

№ 02-02/582
23.12.2022й.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари в.б

Т.Атамуродов

“23” декабрь 2022 йил

**Навоий вилояти ҳокимлигида “Маҳаллаларда тадбиркорликни
ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни
қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимлари
учун номзодлар танлаш бўйича ўтказилган суҳбат жараёнининг**

БАЁНИ

2022 йил “22” декабрь

Навоий шаҳри

- Раислик қилди:** - Т.Атамуродов - Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси
- Таклиф этилган:** - А.Шакаров - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали Кадрлар маъмуриятчилиги бўлими бош инспектори,
- Иштирок этганлар:** - Л.Хайруллаев - Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси,
Тегишли шаҳар, туман Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари бошлиқлари (рўйхат бўйича)

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони ижроси юзасидан Навоий вилоятидаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича “Ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимларини номзодлар билан тўлдириш бўйича танлов жараёнининг натижалари тўғрисида.

(Т.Атамуродов, А.Шакаров, Л.Хайруллаев, Ж.Отамуродов, Ҳ.Қаршибоев)

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, Республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига тушириш,

қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига тушириш, уларга барча соҳаларда зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон Фармони билан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, ҳоким ёрдамчиси лавозимига номзодлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссиялари орқали очик танловлар асосида ишга қабул қилиниши белгиланган.

Ҳозирда Навоий вилоятида 330 та ҳоким ёрдамчилари лавозимга тайинланган бўлиб, ўз фаолиятларини олиб бормоқда.

Айрим ҳудудларда танланган ҳоким ёрдамчиларининг малакаси, салоҳияти етарли бўлмаганлиги боис ўз фаолиятида ижобий натижаларга эриша олмаслик ҳамда ишдан бўшаб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ҳозирда Навоий вилояти бўйича 3 та маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими бўйича вакант мавжуд. Жумладан, **Нурота тумани (1 та), Зарафшон шаҳар (1 та) ва Навоий шаҳар (1 та)** мавжуд.

Жорий йилнинг 28-ноябрь-5-декабрь кунлари “Ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимларини етарли билим ва малакага эга бўлган кадрлар билан тўлдириш бўйича очик танловлар эълон қилинди.

Танловда Навоий шаҳар “Меъмор” МФЙ 43 нафар, Зарафшон шаҳар “Янги Зарафшон” МФЙ 35 нафар ва Нурота тумани “Шахристон” МФЙ 12 нафар номзодлар томонидан аризалар келиб тушиб, 25 нафар номзоднинг аризалари лавозимларга қўйилган малака талабларига жавоб бериши аниқланди ва суҳбатга чакирилди. Суҳбат босқичида Навоий шаҳар “Меъмор” МФЙ 9 нафар, Зарафшон шаҳар “Янги Зарафшон” МФЙ 7 нафар ва Нурота тумани “Шахристон” МФЙ 9 нафар номзодлар иштирок этишди.

Танлов якуни билан комиссия аъзоларининг якуний овоз бериш ҳулосаларига асосан йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ


1. Навоий шаҳар “Меъмор” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига

3 ой синов муддати билан – **Ерназаров Бегали,**

2. Зарафшон шаҳар “Янги Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига 3 ой синов муддати билан – **Саъдуллаев Хумоюн,**

3. Нурота тумани “Шахристон” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига – **Абдусаломов Ҳафизжон** номзодлари тавсия этилади.

Танлов комиссияси аъзоси:



Л.Хайруллаев

Баёнлаштирди:



Ш.Иброимов